
Куз-қиши мавсумига тайёргарлик ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш бўйича тузилган туман штаби аъзолари билан мавсумга тайёргарлик кўриш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Данфара тумани ҳокимлиги катта мажлислар залида куз-қиши мавсумига тайёргарлик ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш бўйича тузилган туман штаби аъзолари билан мавсумга тайёргарлик кўриш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Туман ҳокими Шуҳратжон Тожиҳакимов ва Фарғона вилоят Прокуратурасининг бўлим бошлиғи подполковник Дилшоджон Каримов ва сектор раҳбарлари иштирокида тумандаги барча ижтимоий соҳа обьектларида куз-қиши мавсумини беталофат ўтказиш, ҳудуддаги аҳоли яшаш хонадонларининг мавсумга қанчалик тайёrlигини ўрганиш юзасидан тегиши ташкилот ва муассаса раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

2023-10-30 10:08:42